23-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ КАРОРИ

423 «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солик тўловини тўлаш муддатини кечиктириш хукукини бериш тартиби тўгрисида» ги низомга ўзгартиришлар киритиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 15 ноябрда руйхатдан утказилди, руйхат рақами 1502-1

(2010 йил 25 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (І)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ ҳизмати тўгрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига мувофик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қумитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қиладилар**:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қумитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 2 августдаги 70, 2005-46 ва 61-сон карори (руйхат рақами 1502, 2005 йил 2 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2005 й., 30-31-сон, 240-модда) билан тасдиқланган «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ туловини тулаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби турисида»ги низомга иловага* мувофиқ узгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2010 йил 30 сентябрь, 82-сон

Давлат солиқ қумитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш., 2010 йил 30 сентябрь, 2010-40-сон

^{*} Илова рус тилидаги матнда берилган.

46 (442)-сон — 41 — 423-424-моддалар

Тошкент ш., 2010 йил 30 сентябрь, 101-сон

Иқтисодиёт вазири

С. БЕКЕНОВ